

ХАЛҚАРО МИҚЁСДА МАЊНАВИЙ ЕТУК ВА ЗАМОНАВИЙ ОИЛАНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

Мурод Мұхаммедович Мұхаммедов

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

Озода Мамаюнусовна Пардаева

ТДИУ Самарқанд филиали кафедра мудири, PhD.

Инсоният тарихида ва дунё миқёсида ҳам оила муқаддас қўргон бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Бу Аллоҳнинг инояти билан миллатидан, ирқидан, жинсидан ва диний эътиқодидан қатъи назар никоҳ орқали шаклланади. Унга хиёнат қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Эркак ва аёл оилада ўзларига белгиланган вазифалари бор. Буларни ҳолол ва покиза бажарадиган бўлса, ҳеч қандай низо ёки жанжал, кўнгилсиз ҳодисалар, кўнгилхиралик юзага келмайди. Оиланинг ички оламига аралашишга ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Оилавий муаммоларни фақат оила соҳиби ва соҳибалари ўзаро инсоний муносабатлар билан ҳал қилиши лозим. Оиланинг сирини ташқариға чиқариш – бу, биринчи галда тарбиясизликнинг, савиянинг етарли эмаслигининг оқибати. Масалан, бегона кишига соатлаб оилавий сирингизни тўкиб солдингиз. Бу билан оиланинг муаммоси ҳал бўлиб қоладими, асло йўқ. Балки гаплар кўпайиб эрига бир гап, аёлига яна бошқа уйдирма гаплар етиб келиб оиладаги муҳитнинг янада ёмонлашишига олиб келади. Бундай оилада вояга етаётган фаарзандлар қай аҳволда бўлади. Бу ҳам дунё миқёсида катта муаммо.

Бежиз айтилмайдики, оила – муқаддас тарбия қўргони. Чунки ҳар қандай миллатда ҳам тарбия, биринчи галда оиладан бошланада ва бу бардавом бўлади. Таълимнинг ҳам барча босқичларида амалга ошириладиган тарбия жараёнида оиланинг иштироки узлуксиз давом этиб боради. Шунинг учун болаларнинг тарбиясида халқаро миқёсда оила билан таълим муассасаларининг ўрни бекиёс. Таълим муассасаларида тарбияга алоҳида аҳамият беришлари лозим. Чунки бола таълимга киришган пайтдан бошлаб, оиладан бироз бўш вақтлари бўлади. Бунда болалар тафаккурининг шаклланишида дунё миқёсида “кўчанинг” ҳам ҳиссаси кам бўлмайди. Бундан тийилишда таълим муассасининг ўрни ва роли бекиёс.

Ҳозирги пайтда нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида жуда кўп эътибор ва ҳаракатлар бой-бадавлат бўлиб яшашга қаратилиб борилмоқда. Бу ҳозирги замондаги ҳаётий эҳтиёжларнинг талабларидан келиб чиқмоқда. Бу табиий ҳол. Ҳақиқатда бой-бадавлат бўлиб яшаш, инсонларнинг бирор нарсага муҳтож бўлмасдан кун кечириши жуда зарур омиллардан бири ҳисобланади. Бироқ, шу бойликка ҳандай эришилади? Бунинг йўли ҳандай? Ҳандай қилсан топган молимиз ҳалол-покиза бўлади? Бу каби саволларга тўғри жавоб топиш учун ҳар бир кишига биринчи галда тарбия ва тарбияни сингдирадиган илм керак.

Ёшларни шундай тарбиялашимиз керакки, ҳақиқатда бой-бадавлат бўлиш учун одам биринрчи галда илмли, иймон-эътиқодли, бирорларнинг ҳақини

ўзлаштиришдан ҳаймиқодиган бўлиши лозим. Бироқ, қандай илм олиш керак, унинг даражаси қандай бўлиши керак, қайси соҳага қандай илм зарур каби саволларга жавоб топиш учун уларга аниқ йўналишларни оила билан ҳамкорликда таълим муассасаларида тарбия йўли билан сингдириши лозим бўлади. Ёшлар ҳалол йўл билан молу-дунё топиш йўлини тушунгандан кейин унга эришиш учун илм кераклигини ҳам тушуниб етади Агар ёшларда шундай ҳолат рўй берса, энди илмни ўргатишга ёшларни мажбурламасада, ўзлари иштиёқ билан эгаллайдиган бўлиб тарбияланади. Шундагина илм эгаллашга бой бўламан деган ёшлар иштиёқ билан киришади. Ана шу руҳият оилада тарбия воситаси билан сингдириладиган бўлиши керак.

Том маънода оила муқаддас тарбия маскани. Унда болалар, миллатидан, динидан, ирқидан қатъи назар, ўзларини тарбия билан таний бошлайди. Шу тариқа оилада тарбия қуидаги йўналишларда амалга оширилади. Бунинг бир қанча йўллари мавжуд.

Биринчидан, оилада болага маънавиятни, тартб-интизомни, иймон-эътиқодни ва инсоний масъулиятни ўргатиш керак бўлади. Бундай иймон-эътиқодли бола бировга хиёнат қилиш, бировнинг молини ноқонуний ўзлаштириб олиш, омонатга хиёнат қилиш, бирор нарсага турли алдав йўли билан эришиш каби иллатлардан холи бўлади. Бунинг одоб-ахлоқи шунга таянган ҳолда шаклланган бўлса, унинг топган молида барака ҳам бўлади. Агар ҳалол йўл билан топилмаса, ҳалол нарсалар (масалан қўй гўшти) ҳам ҳаром ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси болалар руҳиятида тарбия билан асосан оилада ва таълим муассасаларида шакллантирилиши лозим. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлинса, таълим муассасаларидаги ўқитувчилар турли тилларни, бир қанча фанларни билиш билан бирга асл қадриятларимизни чуқур англаған ва унга амал қиласидиган бўлишлари лозим.

Иккинчидан, ёшларнинг илмга бўлган иштиёқига мос илмни бериш керак. Ҳозирги пайтда илм “диний ва дунёвий” йўналишларга бўлинган ҳолда сақланиб келинмоқда. Аслида илм битта. Уни бўлиб бўлмайди. Масалан, катта миқдордаги бойликка эришиш. Бунинг диний ёки дунёвий йўли йўқ. Шу бойликни ҳалол йўл, ҳалол меҳнат билан қўлга киритиш лозим бўлади. Бунинг учун одам миллатидан, ирқидан, диний эътиқодидан қатъи назар, умуминсоний руҳда тарбия топган бўлиши керак. Масалан биз мусулмонмиз, японларнинг дини бутунлай бошқа. Бироқ уларда ҳалоллик, бировнинг мулкига хиёнат қилмаслик каби фазилатлари, тан олиб айтиш керак бизга нисбатан устунлик қиласиди. Бундай тарбиянинг пайдевори ҳам айнан оилада қўйилади.

Учинчидан, бугунги ёшларни ўзининг олдида, оиласининг олдида, жамоасининг ва маҳалласининг олдида, миллатининг олдида, Ватанининг ва кенг маънода қарайдиган бўлсак, бутун башариятнинг, инсониятнинг олдида масъулиятли қилиб тарбияланиши керак. У бу ёруғ дунёга келиб, шунчаки оддий яшаб ўтиб кетиш эмас, балки нималарнидир қилиб ўзидан тортиб, бутун инсониятга фойдаси тегадиган ишларни қилишга масъуллигини ҳис қилиб яшаш, шунга мос равишда илм ўрганиш, ундан амалиётда кенг фойдаланиш йўлларини ҳам билиши лозим. Бундай тарбиянинг ҳам биринчи пайдевори айнан оилада қўйилади.

Тўртинчидан, бойликнинг асосида пул ётади. Пулингиз бўлса, ҳамма нарсага қурбингиз ҳам кучингиз ҳам етади. Аммо болаларимизни фақат пул топишгагина ўргатиши, унинг бой бўлиши учун кафолат эмас. Пуулни қандай топиш йўлини, яъни ҳалол покиза йўл билан топишни ҳам ўргатиш керак. Ҳар бир киши пул топиш билан бирга, уни ишлатиш бўйича ҳам тарбияланган ва бу йўналишда ҳам маълум даражада илмга эга бўлиши керак. Бундай шароитда ҳар бир болада пулни ҳалол топиб, тежаб-тергаб ишлатиш кўникмаси ҳам шаклланади. Истрофгарчиликка йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида диний қадриятларимизнинг манбаларида ҳам, бошқа эътиқоддаги миллатлар қадриятларида ҳам кўп марта қайд этилган. Тежамкорликни фақат гап билан тушунириб эмас, балки оиланинг ҳаёт тарзига айлантирган ҳолда, бундай одатни шакллантириб болаларимизни шунга кўнитириб улғайишига эришишимиз лозим бўлади.

Агар юкоридаги барча талабларга жавоб берадиган инсон бўлса, бундай кишиларни маънавий етук кишилар дейиш мумкин. Кўриниб турибдики ҳар бир инсон маънавий етук бўлиб тарбияланиши учун оиласи тарбия пайдевор рўлини ўйнар экан. Бундан келиб чиқиб, инсондаги маънавий етукликнинг таърифини ҳам шакллантириш мумкин. **МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИК** деганда, инсоннинг юқори одоб-ахлоқ соҳиби бўлиш билан бирга ўзининг, оиласининг, жамоасининг, маҳалласининг, миллатининг, Ватанининг, бутун башариятнинг, инсониятнинг олдида масъулияти бўлишлиги, буларга қандайдир йўл билан нафи тегиб яшашлигини, охират учун ҳам катта захира тўплай олишлигини ҳис қилиб яшаш руҳияти ва унга амал қилиб яшаш кўникмасининг шаклланганлиги тушунилади. Бу руҳиятнинг ҳам пайдевори асосан оилада қўйилади. Унинг биноси таълим муассасаларида барпо қилинади. Ушбу тушунча одамнинг миллати, ирқи, дунёвий ва диний эътиқодидан қатъи назар ҳаммада шаклланган бўлиши лозим. Бежиз Аллоҳ оилани муқаддас қўрғон қилиб яратган эмас.

Маълумки, оиладаги муҳит жамият ҳаётининг кўзгуси ҳисобланади ва кучли, барқарор ҳамда фаровон давлат қуришда муҳим ўрин тутади. Инсоният оилада вужудга келади ва оилада инсон бўлиб шаклланади. Оилалар ҳамиша одамнинг миллати, ирқи, дунёвий ва диний эътиқодидан қатъи назар, замон билан ҳамнафас ривожланиб боради. Шу туфайли **ЗАМОНАВИЙ ОИЛА** тушунчasi ҳамиша ҳар бир замонга мос ҳолда ривожланиб келинган. Бугунги кунда ҳам замонавий оила тушунчasi ўз долзарблигини йўқотган эмас. Аммо замонавийликка турли одамлар турлича ёндошадилар. Бу ҳам ҳаётий зарурият. Аммо бир нарсани унутмаслик керакки, ўзбек оиласи қайси замонда бўлса ҳам замонавий бўлиш билан бирга **МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТИНИ САҚЛАБ ҚОЛГАН БЎЛИШИ ЛОЗИМ**. Биз ўзлигимизни англағанимиз англаб, ўз қадриятларимизни йўқотмасдан асраб-авайлаб авлоддан-авлодга етказиб келсакгина дунё аҳли, миллати, ирқи, дунёвий ва диний эътиқодидан қатъи назар бизни ўзбек деб тан олади ва шунга мос ҳолда муносабатда бўлади.

Хуллас, қадриятларимизни сақлаб қоладиган замонавий оилани шакллантириш ўз-ўзидан содир бўлиб қолмайди. Бунинг учун биринчи галда оилани мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш лозим бўлади. Бунга эришиш учун эса, ҳар бир оилада маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш,

жамиятда энг зарур бўлган, қадриятларимизни улуғлайдиган оилавий анъаналарни нафакат сақлаб қолиш, балки буни такомиллаштириш ҳам лозим бўлади. Бу бўйича мамлакатимиз миқёсида ва унинг барча ҳудудларида ўзларининг алоҳида хусусиятларидан келиб чиқиб, тегишли “Йўл ҳаритаси”ни ишлаб чиқиш ва уни тарғибот қилиш масалаларига устувор вазифа сифатида қарашни тақозо қиласди. Мамлакатимизда шакллантирилган қадриятларни бутун дунёга турли йўллар ва усуллар билан тарғиб қилиш уларга ҳам ўзимизнинг қадриятларимизда шаклланган ижобий жиҳатларимизни кўрсатишимиз лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий оилаларни ташкил қилиш масаласи ҳам кун тартибига киритилган масалалардан биридир. Замонавий оила дегани фақат бугунги руҳият билан яшаш эмас, балки қадриятларни сақлаган ҳолда, замон талабидан келиб чиқиб, уни янада кучайтириб такомиллаштиришга қаратилган дунёқараш ва одатларни шакллантириш тушунилади. Кўп ҳолларда замонавий оила ва ушбу оила фарзандлари “Биз замонавий одамлармиз”, деб қадриятларимизга амал қилмасдан глобал оммавий маданиятга эргашиб, уни ҳаётига жорий қилиб, ўша руҳитят билан яшашни тушунишни хоҳлашади. Бу йўл бизнинг қадриятларимизга асло тўғри келмайди. Агар ким шундай йўлга тушиб олган бўлса зинҳор бу йўлдан қайтиш керак.

Эркинлик ўзбошимчалик эмас. Мен эркинман деб, ўзгаларнинг руҳиятига тегадиган одатларни қилмаслик лозим. Бунга амал қилиш учун ҳар бир ҳолатнинг ўзига яраша талаблари борлигини ҳам унутмаслик лозим. Қисқача қилиб атганда, замонавийликка шаклан аҳамият бериб бошлади. Хусусан, қизларимиз шаклан, калта кўйлак кийиб, ўзбошимчалик билан биз эркинмиз, деб ҳаракатланиб юрадиганлар, йигитлар эса, кўчаларда сигарета чекиб, майишат учун ичкиликбозлик билан шуғулланиб юрадиган одатларни касб қилиб олмоқда. Бироқ, замонавий оила бўлиш учун асосий эътиборни ҳозиргидек фақат шаклга эмас, балки мазмунга, маънавий оламига қараб баҳолашни тақозо қиласди.

Замонавий оилада болалар эркин бўлади, аммо эркинлик бу улар учун ҳам ўзбошимчалик эмас. Буни тўғри ва чуқур англаш лозим бўлади. Инсоннинг маънавий етуклиги, билимдон, қадриятларимизга таянган ҳолда замонавий муаммоларни замонавий фан, техника ва технология ютуқлари билан ҳал қиласиган бўлиши ҳақиқий замонавий шахс ҳисобланади. Бундай шахаслар жамланган оила замонавий оила талабларига жавоб берадиганлар бўлади. Чунки бундай капиталнинг самарадорлиги юқори бўлади.

Демак, замонавий оила замонавий одамлардан ташкил топиши, замонавий одамлар эса, қадриятларимизни қадрлайдиган, ҳозирги замон фани, техникаси ва технологиясини яхши ўзлаштирган, рақамли ҳамда инновацион ривожланиш талабларига жавоб берадиган кишилар бўлишларини тақозо қиласди. Ана шундай инсонлар айнан мукаммал инсон капиталига қўйилган талабларига жавоб берадиганлар бўлади. Чунки бундай капиталнинг самарадорлиги юқори бўлади.

Мукаммал инсон капиталига эга мамлакат жадаллик билан ривожланадиган, рақобатбардош мамлакат сифатида дунё томонидан тан олинадиган салоҳиятга эга бўлади. Шу туфайли инсон капиталаининг такомиллашувига ҳам катта аҳамият бериш лозим. Бунинг ҳам пайдевори оилада қўйилиб бошланади. Шу туфайли бугунги кунда ўзининг кеелажагини ўйлаган

мамлакат ва миллат оиласарнинг такомиллашувига катта аҳамият бериш лозим бўлмоқда.

Бироқ, замонавий оила ниқоби остида айрим нуқсонлар ҳам пайдо бўлмоқда. Хусусан, қариндошлар ва вояга етмаганлар ўртасида тузилаётган никоҳлар, қуда-андачиликда асосан молу-дунни биринчи мезон қилиб олишлари оқибатида ёш оиласанинг ажрашишларига, аёллар ўртасида жиноятчилик сонининг ортиб боришига ҳам сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатлар албатта оиласарнинг бекарорлигига олиб келади. Бундай оиласарда улғайган болалар замонавий талабларга жавоб берадиган болалар бўла олмайди.

Яна бир муҳим жиҳат, вояга етмаган шахсларнинг безорилик ва тартиббузарликлари каби ҳолатлар ҳануз учраб турганлиги ҳам оиласардаги носоғлом муҳит билан боғлиқ бўлмоқда. Демак, вазиятни ижобий томонга ўзгартириш ва келажакда бу каби салбий ҳодисаларни бартараф қилиш учун, оиласар билан ишлаш тизимида янгича йўналишдаги ва самара берадиган механизмларни жорий этиш талаб қилинади. Бунинг учун мамлакатимизда катта имкониятлар яратилди. Буларнинг бир йўналиши “Маҳалла еттилиги” бўлиб ҳисобланади. Бу оддий мутахассислар тўплами ёки жараёнлар тизими эмас, балки жамияни ўнглашга қаратилган давлат бошқарувини қўйидаги бўғинда амалга оширадиган янги давлат ижтимоий шериклик асосига қурилган бошқарув буғини ҳисобланади.

Мазкур жараён янги йўналиш булиб, “Давлат – Маҳалла - Фуқаро” моделини ташкил қиласди. Давлат маҳалла орқали фуқароларни бошқариш имкониятига эга бўлди. Айнан ушбу ҳолатда маҳалла ҳал қилувчи ролни уйнамоқда. Давлатнинг сиёсатини аҳолига етказиш бтлан, аҳоли муаммоларини давлат идоралари иштирокида ҳал қилишда кўприк вазифасини бажаридан бўғинга айланди. Ана шундай шароитда замонавий оиласарнинг шакли ва мазмунини шакллантириш ва шу асосда жамиятни ривожлантириш имкониятлари ҳам яратилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, замонавий оиласанинг таърифини ишлаб чиқиши мумкин бўлади. **Замонавий оила деганда, оиласада барча инновацион жиҳоз ва техникалардан фойдаланиши натижасида, жисмоний меҳнатларни енгиллаштириб, тежалган асосий вақтни илм-фанга йўналтириб, замон билан ҳамнафас, қадриятларимизни сақлаган ҳолда, мазмунан бой илғор инновацион ғоялар соҳиблари бўлган оиласар тушунилади.** Ушбу таъриф замонавий оиласанинг шакли ва мазмунини ўзида қамраб олган тушунча ҳисобланади. Ушбу таърифни қўйидагicha изоҳлаш мумкин.

Биричидан, замонавий оила замонга мос янги тушунча бўлиб, моҳияти нафақат унинг шакли, балки мазмунни ҳам ўзида мужааасм этади.

Иккинчидан, бундай оиласарда яшаш учун зарур бўлган барча инновацион жиҳоз ва техникалар мавжуд бўлиб, улардан фойдалана оладиган оила аъзолари ҳам бўлишилиги лозимдир.

Учинчидан, агар оиласада шу ҳолат шаклланган бўлса, бунинг натижасида, жисмоний меҳнатларни енгиллаштириб, рўзгорга сарфланадиган асосий вақти тежалади. Бу вақт бошқа ишларни бажаришга имконият бўлиб ҳисобланади.

Тўртинчидан, бўш вақтнинг бир қисмини илм-фанга йўналтириб, замон билан ҳамнафас ҳолда яшаш тарзига эга бўлади. Бунда замонавийлик билан бирга албатта қадриятларимизни сақлаган ҳолда ривожланишга эришадиган бўлишилигимизни тақозо қиласи.

Бешинчидан, пировардида оилада мазмунан бой илғор инновацион ғоялар соҳиблари бўлган оила аъзоларп шаклланади. Бундай оила аъзоларида миллий гурур билан бирга катта масъулият ҳам шаклланган бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз фуқаролари халқаро миқёсда маънавий етук ва замонавий оиланинг соҳиблари бўлиб, бундай жамиятнинг шаклланишида тарбиянинг ўрни ва ролини тўғри тушунган ва унга асосий эътиборни қаратидан глобал талабларга жавоб берадиган оилаларни шакллантириш ва такомиллаштириш борасида тегишли билим ва савияга эга бўлган инсонлар етишиб чиқмоғи лозим.